

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ
(ЎзҚХИИЧМ)**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА
ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ
(ҚХМЭИ)**



ҚХМЭИ

**“ЮҚОРИ САМАРАЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
МАШИНАЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ”
мавзусидаги Республика илмий-амалий
конференцияси
(2017 йил 12-13 май)**

ТАКЛИФНОМА

Гулбаҳор – 2017

Хурматли

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти раҳбарияти Сизни 2017 йил 12-13 май кунлари бўлиб ўтадиган “*Юқори самарали қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва улардан фойдаланиш даражасини ошириш*” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияга таклиф этади ва тадқиқот йўналишингиз бўйича илмий мақолани 2017 йил 20 апрелгача юборишингизни сўрайди.

Илмий-амалий конференциянинг асосий йўналишлари:

1. Қишлоқ хўжалиги тракторлари, транспорт ва юклаш-тушириш воситаларининг техник даражасини ошириш.
2. Ерга асосий ишлов берувчи машиналарда энергия сарфини камайтириш.
3. Ерларни экишга тайёрлаш машиналарининг ресурстежамкорлиги ва иш унумини ошириш.
4. Уруғ экиш машиналарининг функцияларини кенгайтириш ва уруғ сарфини камайтириш.
5. Ўсимликларни парваришловчи ва ўғитлаш машиналарининг агротехник ва техник-эксплуатацион кўрсаткичларини ошириш.
6. Экинлар ҳосилини йиғиштириш машиналарида нобудгарчиликни йўқотиш ва маҳсулотнинг товар сифатини сақлаб қолишининг илмий-техник ечимлари.
7. Қишлоқ хўжалиги юкларини ташиш воситаларини универсализациялашнинг асосий йўналишлари.
8. Фермер ва деҳқон хўжаликлари учун кичик техника воситаларини яратиш.
9. Фермер хўжаликлари, туман ва муқобил машина-трактор парклари шароитида техника воситаларини таъмирлаш, уларга сервис

кўрсатиш, машиналарнинг мавсумий ва йиллик иш унумларини оширишнинг илмий, амалий ва муҳандислик масалалари.

10. Қишлоқ хўжалигидаги технологик жараёнларни электрлаштириш ва самарадорлигини ошириш.

Мақолани расмийлаштириш қоидалари:

1. Мақола ўзбек ёки рус тилида ёзилиши мумкин. У илмий мазмунга эга бўлиши, тадқиқотнинг долзарблиги ва мақсади аниқ кўрсатилиши, тушунарли ва равлон баён этилиши, охирида илмий ёки амалий тавсиялар тарзида хулоса берилиши керак.

2. Мақола компьютер босмасида тўлиқ 5 бетгача А4 қоғоз ўлчамида, компьютернинг MS WORD дастури ва Times New Roman ёзувида 14 шрифт (кегл) да, 1,5 интервалда, бичими тепадан ва пастдан 2,0 см, чапдан 3,0 см, ўнгдан 1,0 см қолдириб, саҳифа рақами қўйилмайди.

3. Биринчи саҳифанинг тепадаги чап бурчагидан мақола мазмунига мос УЎТ индекси қўйилади. Бир интервал ташлаб бош ҳарфлар билан мақоланинг номи, яна бир интервал ташлаб муаллифнинг исми ва фамилияси, қавс ичида иш жойи қисқартирилган ҳолда ёзилади. Кейин мақола матни, хулоса, адабиётлар рўйхати, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги аннотация (кўпи билан 4-5 қатор) келтирилади.

4. Мақолани расмийлаштириш (формулаларни ёзиш, жадвалларни тузиш, грекча, катта ва кичик ҳарфларни ажратиш, сўзларни қисқартириш ва бошқалар) илмий журналлар учун қабул қилинган тартибларда бажарилади.

5. Нашр учун тайёр мақола эксперт хулосаси ва 2 нусхада, электрон варианты билан қабул қилинади. Иккинчи нусхада муаллифнинг имзоси, тўлиқ исми ва шарифи, уй ва иш манзили, телефон рақами, электрон почтаси кўрсатилиши шарт.

6. Талабларга жавоб бермайдиган мақолалар қабул қилинмайди.

МАҚОЛАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ НАМУНАСИ

УЎТ 631.3.:658.5(075.8)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИГА ФИРМАВИЙ ТЕХНИК СЕРВИС КЎРСАТИШ СИСТЕМАСИНING НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

М. Тошболтаев (ҚХМЭИ), З. Сейтимбетова (ЎзҚХИИЧМ)

МАҚОЛА МАТНИ

Хулоса

1. Таклиф этилган “Машина ишлаб чиқарувчи – ФТС ижрочиси – ФТС истеъмолчиси” тизими истеъмолчининг янги техника турлари, сони ва сифатига бўлган талаби; янги техникани давлат синовлари жараёнида аниқланган баҳолаш кўрсаткичлари; таъмирлаш–технологик қурилмаларнинг самарадорлиги; истеъмолчи техникасининг ҳолатларини ифодаловчи параметрлар ва таъмирлаш фонди; машиналарнинг ФТС кўрсатилгандан кейинги сифат кўрсаткичлари; истеъмолчининг иктисодий кўрсаткичлари ҳамда “Фирма”, “Ижрочи” ва “Буюртмачи” кичик тизимларини бошқариш ресурсларини асослаш имкониятини беради.

2. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ФТС кўрсатиш тизимининг тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган умумлашган инфорацион модели ФТС ижрочиларини республика, вилоят ва туманлар даражасида туркумлаш, уларнинг функциялари ва вазифаларини белгилашга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Даки Н.В. Организация сервисного обслуживания сельскохозяйственной техники фирмами–изготовителями //Агропромышленное производство: опыт, проблемы и тенденция развития. Серия 2. –1990. –№5. –С. 63–69.

2. Тошболтаев М, Рустамов Р, Кабулов М. Технические, технологические и экономические параметры системы «Изготовитель машин – исполнитель ФТС – потребитель ФТС» // Экономический вестник Узбекистана. – 2003. – № 8 – 9 – С.7 – 9.

М. Тошболтаев, З. Сейтимбетова. Қишлоқ хўжалиги машиналарига фирмавий техник сервис кўрсатиш системасининг назарий – методологик асослари.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ФТС системаси структураларини яратишнинг илмий-методологик асослари ишлаб чиқилган, уларнинг самарали функцияланишини таъминлайдиган рационал параметрлар аниқланган.

М. Тошболтаев, З. Сейтимбетова. Научно-методологические основы системы оказания фирменного технического сервиса на сельскохозяйственные машины.

Разработаны научно-методологические основы создания структур системы ФТС в сельском хозяйстве Узбекистана, обоснованы рациональные параметры, обеспечивающие их эффективного функционирования.

М. Toshboltaev, Z. Seytimbetova. Theoretical-methodological bases of the system of doing the firm technical service for agricultural machines.

The scientific-methodological bases were developed of the creating of FTS system structure in agriculture of Uzbekistan, the rational parameters that provide their effective operations were determined.

Ташкилий кўмита манзили:
110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани,
Гулбахор қ., Самарқанд кўчаси 41, ҚХМЭИ

Телефонлар:

1. (+99890) 992-48-99 (Гулнора Алиқулова)
2. (+99890) 125-45-74 (Комил Астанақулов)
3. (+99890) 125-43-87 (Отабек Очилдиев)
4. (0-370) 60-61-386 (қабулхона)
5. (+99890) 956-00-57 (Муҳаммад Тошболтаев)

E-mail: qxmei-konf2017@umail.uz

Мақолалар тўплами муаллифларга конференция кунлари тарқатилади!